

## «Осмон мусаффо эмас» ёхуд чанг-тўзонли кунлар



18:40 / 05.11.2021 4203

Икки кундан бери Тошкентда чангли муҳит ҳукм сурмоқда. Кеча кечки пайт бундай ҳолат водий вилоятларига етиб борди. Чанг-тўзон ҳамма нарсада ўз изини қолдирмоқда. Либосимизда, машиналарда, дарахтларда ва уйларимизда. Уйларимиз ичида ҳам чангдан нафас оляпмиз. Нафас йўлида муаммоси борлар шифокорларга мурожаат қилишмоқда.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

أَوْرَدَتْ آيْرًا ذَلًا

«**Чанг тўзитувчи**(шамол)лар билан қасам» (Зориёт сураси, 1-оят).

Роббимиз бу оятда чанг тўзитувчи шамол билан қасам ичмоқда. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда нима билан қасам ичган бўлса, бу қасам ичилган нарсанинг аҳамиятли нарса эканини билдиради ва қасамдан сўнг келадиган масалаларни таъкидлаб келтиради.

Барчамизга маълумки, қор, ёмғир, шамол, зилзила, яшин, момақалди роқ кабилар Аллоҳ таолонинг аскарларидир. Роббимиз уларни Ўзи истаган жойларга юборади. Икки кундан бери тоза ҳавонинг нақадар улкан неъматлигини ва ўзимизнинг нақадар ожизлигимизни ҳис этмоқдамиз.

Бошимиздаги об-ҳаво бизнинг гуноҳларимиз сабабли эмасмикин?!

Порахўрлик, халқ мулкани талон-тарож қилиш, бирор мансабга эгаси бўлмаган кимсани қўйиш, баъзи аёлларнинг очиқ-сочиқ юриши, тик-ток, инстаграм, ютуб ва бошқа жойларда беҳаёликнинг авж олаётгани, алдов, фирибгарлик, судхўрликнинг тарқалгани, ахлоқ-одоб тушунчасидан узоқлашиб борилаётгани, масъул лавозимдаги баъзиларнинг ўз ишига лоқайдлиги ва ҳоказолар сабабли икки кундан бери қийналиб нафас олмаётганмикинмиз?!

Шу ҳолда туриб ҳам кўзимиз очилмайди-я! Баъзилар ижтимоий тармоқларда чангли муҳитни кулги остига олиб, турли ҳазиллар қилиши, мавзуга алоқадор расм, видеоларни саҳифасига қўйишини қандоқ тушуниш мумкин?!

Аллоҳ таолога дуо қилиб, бошимиздан бундоқ об-ҳавони кўтаришини сўраб, йиғлаш ўрнига ҳазил қилиб ўтирсак, аҳволимиз нима бўлади?!

Бунинг ўрнига кўпроқ дуо қилайлик, намоз ўқийлик, саловот айтайлик!

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобида қуйидаги ривоят келтирилган:

Оиша онамиз розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Агар қаттиқ шамол бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

نَمَّ كَبُ دُوْعًا وَوَبَّ تَلَسَّرًا اَمَّ رِيْحًا وَ اَهِيَف اَمَّ رِيْحًا وَ اَهَزِيْحَ كَلَّ اَسَا يِّن اِمُّه ل ل ا  
وَبَّ تَلَسَّرًا اَمَّ رِيْحًا وَ اَهِيَف اَمَّ رِيْحًا وَ اَهَزِيْحَ كَلَّ اَسَا يِّن اِمُّه ل ل ا

**«Аллоҳумма инний ас`алука хойроҳа ва хойро ма фийҳа ва хойро ма урсилат биҳи ва аъзузу бика мин шарриҳа ва шарри ма фийҳа ва шарри ма урсилат биҳи»,** деб айтар эдилар.

**Маъноси: Эй Раббим, Сендан унинг яхшисини, ундаги яхшиликни ва у билан юборилган нарсанинг яхшисини сўрайман. Эй Раббим, Сендан унинг ёмонидан, ундаги ёмонликдан ва у билан юборилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман.**

*Имом Муслим ривоятлари*

Абу Ҳурайрадан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шамол бандаларга юборилган раҳматдир. Гоҳида у раҳмат билан келади, гоҳида азоб билан. Агар шамол эсса, уни сўкманглар. Аллоҳдан унинг яхшисини сўраб, ёмонидан паноҳ тиланглар», дедилар.

*Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари*

Ҳадисда келган дуони барчамиз айна пайтда кўпроқ қилиб, Аллоҳ таолога ёлворишимиз лозим ва лобуддир.

Ижтимоий тармоқларда «зато осмонимиз мусаффо» дея масхара қиладиганлар: «Осмон мусаффо бўлмаганда қандай аҳволга тушиб қолишимизни, қўлимиздан ҳеч нарса кела олмаётганини тан олайлик ва қилган гуноҳларимиз учун Аллоҳ таолога тавба қилишга шошилалик»!

Аллоҳ таоло юртимизни тинч, осмонимизни мусаффо, ўзимизни ибодатли, кўп дуо қиладиган бандаларидан қилсин! Гуноҳларимизни мағфират этсин ва бошимизга тушган аянчли муҳитни тезроқ аритиб, тоза ҳаводан нафас олишимизни насиб этсин!

Аллоҳ таоло ҳаммамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

***Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***